

ФИРИБГАР ТАБИБ

Тумандаги Саидкент қишлоғида яшовчи Истам Рашидов одамларга ўзини табиб сифатида таништириб, фибрибгарлик йўли билан пул ишлаган. Тиббиёт соҳасида маълумоти ҳам, ҳужжати ҳам йўқ бўлса-да, инсон ҳаёти билан ўйнашиб, беморларни ўзича даволашга тутинган.

2-бет

ДЕҲҚОННИНГ КОСАСИ ОҚАРАДИ

Баъзи вилоятларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш режаси бир неча йиллаб бажарилмаслиги оқибатида хўжаликлар ночор аҳволга тушиб қолди. Меҳнати учун вақтида ҳақ ололмаган деҳқоннинг эса кундан кунга қўли ишдан совуб борди.

3-бет

ДОКТОРНИНГ «КУФ-СУФ» И

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМГА БОРМАГАН КИМ БОР? Врач бемордан нима бўлгани... тугилган йилини суриштиришга тушиб кетди. Тутиб турилмаса «пуф» деса йиқилиб кетгудек аҳволда ўтирган қиз унинг саволларини эшитса-да, жавоб беришга ҳоли йўқ эди, товуши чиқмасди.

4-бет

ҲАР ХИЛ ВАЗИЯТ БЎЛАДИ

Ҳўш, уч миллионга яқин аҳолиси бор пойтахтимизда шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати қай аҳволда? Аҳоли бу хизматдан қониқаяптими? Тез тиббий ёрдам кўрсатувчиларнинг қандай муаммолари бор?

5-бет

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

#23

(338)

YURIDIK GAZETA

Iyun				
D.	7	14	21	28
S.	1	8	15	22
Ch.	2	9	16	23
P.	3	10	17	24
J.	4	11	18	25
Sh.	5	12	19	26
Y.	6	13	20	27

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

VOQE ARAFASIDA

14-16 июнь кунлари минтақавий, қолаверса, дунёвий хавфсизлик ва тараққиёт учун муҳим аҳамият касб этиши кўтилаётган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент саммити бўлиб ўтди. 29 май куни ташкилот режасига мувофиқ пойтахтимизда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон иктисодиёт ва савдо вазирлари раҳбарлигидаги делегация иштирокида мажлис бўлиб ўтди. Мазкур йиғилиш иштирокчилари Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Марказий Осиё умумий ёбзорини ташкил этиш ҳақидаги ташаббусини муҳокама қилишди. Марказий Осиё умумий бозори ёки ягона иктисодий маконни шакллантиришнинг минтақамиз учун аҳамиятини таърифлаб ўтириш ортқича. Ягона иктисодий маконнинг Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилоти микёсидан, доираси янада кенгайиши кўтилаётган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти микёсига чиқиши кўзда тутилмоқда. Айни пайтда эса ШХТнинг Тошкент саммитига тайёргарлик жараёни давом этмоқда.

УМУМИЙ МАҚСАД ВА МАНФААТЛАР ЙЎЛИДА

Бундан 8 йил муқаддам, яъни 1996 йилнинг 26 апрелида Россия, Хитой ва Марказий Осиё давлатларидан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари ҳамкорлигида «Шанхай бешлиги» ташкилотига асос солинган эди. Шу куни мазкур ташкилот иштирокчилари бўлган давлат раҳбарлари чегара ҳудудларидаги ҳарбий жабҳаларда ўзаро ишончни мустаҳкамлаш тўғрисидаги ҳужжатни имзоладилар. Маълумки, ушбу ҳужжатнинг имзоланишига иштирокчи давлатлар чегаралари ҳудудларидаги юзага келган айрим муаммолар сабаб бўлган эди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари кузатувчи сифатида илк бор иштирок этган 2000 йилнинг 4 июнида «Бешлик» аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг Душанбе учрашувида «Душанбе декларацияси» имзоланди. 2001 йилнинг 15 июлидан бошлаб «Шанхай бешлиги» таркиби Марказий Осиёдаги яна бир салоҳиятли давлат ҳисобига кенгайди. Шанхайда бўлиб ўтган мазкур анжуманда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлатлари иштирокида яна — Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ташкил товланиши тўғрисидаги тарихий декларация имзоланди. Шу билан мамлакатимиз тажовуз ва таҳдидлар барча учун умумий эканлигини, Марказий Осиё ва унда яшовчи халқларнинг тақдири учун зиммасидаги масъулиятни англаб Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

Бугунги кунга келиб ташкилотнинг шаклланиш жараёни ниҳояланиб, унинг таркибий тузилмалари ишга тушиб кетди. Маълумки, 2003 йилдаёқ ШХТнинг ҳуқуқий пойдевори қурилиши якунланган ва ташкилотнинг ижрочи котиби этиб Хитойнинг Россиядаги элчиси Чжан Дэгун тайинланган эди. Эътироф этиш керакки, халқаро ва минтақавий барқарорликка таҳдидлар янгича қизиқиши олаётган, дунёнинг геосиёсий ва иктисодий қиёфасида кескин ўзгаришлар юз бераётган шароитда ШХТнинг аҳамияти чексиз. Шу боисдан ташкилотнинг нуфузи ортиб бормоқда. Минтақанинг Покистон ва Хиндистон каби салоҳиятли давлатларининг ШХТга аъзо бўлишига интилаётгани, Афғонистон, Мўғулистон каби давлатларнинг ташкилот фаолиятига қизиқиши ортиб бораётганининг ўзи ҳам бунинг исботи бўла олади. Мазкур давлатлар раҳбарлари ташкилотнинг навбатдаги саммитида меҳмон сифатида иштирок этиши кўтилмоқда.

(Давоми 7-бетда).

Моҳият

Заифлик тинчликка яхши қафолат бера олмас экан. Хотир-жамликка берилиш эмас, балки қатъият ва матонатгина тинчликни таъминлаши мумкин. Фақат шу билангина бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш мумкин...

Жавоҳарлаъл НЕРУ,

буюк ҳинд олими ва мутафаккири, жамоат арбоби

RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA



Фойдали учрашув

Ўтган пайшанба куни Республика Бош прокуратурасида Мисрда чиқадиган «Ас-сиёсий» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, сиёсатшунос Муҳаммад Салома билан учрашув бўлиб ўтди.

Муҳаммад Саломанинг «Мусулмонларга қарши кураш жиҳоди? Бу курашда қурбон бўлиш шахидликми?» мақоласи мусулмон дунёсида катта қизиқиш билан қабул қилинган эди. Шу йилнинг 28-30 март кунлари Тошкент ва Бухорода содир этилган террорчилик ҳаракатларининг асл мақсади фош қилинган мазкур мақоланинг таржимаси «Халқ сўзи» газетасида чиққандан кейин муаллифнинг номи Ўзбекистонда ҳам кўпчиликка маълум бўлди. Шу боис Муҳаммад Саломанинг Ўзбекистонга таширифи кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Республика Бош прокуратурасидаги маърузасида Муҳаммад Салома «жиҳод» ва «шаҳидлик»нинг асл маъносини ҳаётий мисоллар билан шарҳлаб берди.

«Жиҳод» тушунчаси ислом дини куч ишлатиш ёки қон тўкиш орқали тарғиб қилиш эмас, балки Ватанини душмандан озод этиш, Ватан ҳимояси, халқнинг тинчлиги ва осойишталиги учун керак бўлса жони, бутун борлиги билан фидо бўлиш,

мол-дунёсини бахшида этишдир. Халқига, Ватанига, ота-онасига хизмат қилиш учун таълим олиш, билимини ошириш, ҳунар ўрганиш орқали ҳам инсон жиҳодга киришиши мумкин экан. Етим-есирларга, бева-бечораларга, муҳтожларга гамхўрлик қилиш ҳам жиҳод ҳисобланади.

Босқинчиларга қарши курашиб ҳалок бўлиш шахидликдир. Оила-сини, фарзанду биродарларини, мол-мулкни ҳимоя қилиб ҳалок бўлган инсон шахид саналади. Диний экстремизм гоёлари учун қурбон бўлаётганларнинг шахидларга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ҳозир Ўзбекистонда бўлгани каби бир пайтлар диний-экстремизм гоёларидан Миср халқи ҳам кўп жафо чеккан. Диний радикалларнинг арзон гоёларига унганларнинг бир қисми тўғри йўлга тушиб олдилар. Жуда озчилик адашганлар бот-бот халқ тинчлигига, эл-юрт осойишталигига таҳдид солиб туради. Айрим хоржий давлатларда уларни қўловчилар ҳамон топиллади. Бирок бу давлатларнинг ўзлари ҳам

эндиликда диний-экстремизм гоёларига қарши чиқмоқдалар.

— Менинг назаримда диний-экстремизмга қарши икки йўл билан кураш олиб бормоқ керак, — деди суҳбатининг пировардида Муҳаммад Салома. — Биринчиси — хавфсизликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш даркор. Иккинчиси — гоёга қарши ундан-да кучли собит гоёлар билан кураш олиб бормоқ лозим.

Хорижий сиёсатшуноснинг бу фикрлари юртбошимизнинг бундан ўч-тўрт йил олдин илгари сурган гоёга қарши гоё билан, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ керак деган даъватига ҳамохангдир.

Дарҳақиқат, Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, «Мана шундай маърифатли, оқ-қорани танийдиган инсон тимсолида мусулмон дунёси бу террорчилик ҳаракатлари динимизга мутлақо ёт, беғона эканини ҳар томонлама исботлаб, уларни қаттиқ қораламоқда».

Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси ташаббуси билан амалга оширилган ушбу учрашувда прокуратура ходимлари бунга яна бир бор гувоҳ бўлдилар.

(Ўз муҳбиримиз)

Сураткаш: А.ТЎРАЕВ

MINNATDORCHILIK

АНЪНАГА АЙЛАНСА...

Ҳурматли Рашид Қодирович!

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан биз учун ташкиллаштирилган тадбир жуда самимий ўтди. Миннатдорчилигимизни қабул қилгайсиз. Маърузангизда анчадан бери прокуратура фахрийларини бир жойга тақлиф қилиб, улар билан суҳбатлашиш ниятида эканлигингизни айтиб ўтдингиз. Ниятингиз амалга ошиши билан бизнинг ҳам орзумиз ушладди. Қадрдон дўсту биродарлар билан учрашувимиздан унутилмас хотиралар қолди. Азим Тошкентда қилинган саёҳат ва бир пиёла чай устидаги илқ суҳбатлардан кўнглимиз тоғдай кўтарилди. Бундай савобли тадбирлар анъанга айланишини хоҳлардим. Барча фахрийлар номидан масъулиятли ишингизда зафарлар тилайман.

А.ДЬЯЧЕНКО,

прокуратура фахрийси

TADBIR

ТЕКШИРИШ ЯКУНЛАРИ

Яқинда Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган текшириш якунлари муҳокама этилди.

Кун тартибидидаги масала юзасидан Республика Бош прокуратурасининг бўлим прокурори Э. Абдуллаев маъруза қилди.

Ушбу масала вилоят прокуратурасида ўтказилган йиғилишда ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими А. Эшмуродов ва вилоят прокурори Б. Нурмухаммедовлар иштирок этишди.

(Ўз муҳбиримиз)

МЕНИНГ БИРИНЧИ ИШИМ

ЁН ҚЎШНИ ЖОН ҚЎШНИМИ?

Мен 1996 йили Қорақалпоғистон Давлат университетининг юридик факультетига ўқишга кирдим. 2000 йили тахсилни тугатиб, Тўрткўл туман прокуратурасида иш ўрганувчи сифатида меҳнат фаолиятини бошладим. 2001 йил август ойдан ҳозирга қадар туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимида ишлаб келаяпман.

Иш ўрганувчи лавозимида ишлаган пайтимда туман прокурори Ф.Нуриддинов менга биринчи марта фуқаро Айтжон Аминованинг аризасини қонуний ҳал қилиш учун топширди. Унда баён этилишича, аризачининг кўшниси Қаландаров Фахриддин 2001 йил феврал ойдан унинг 16 ёшга тўлмаган қизи Исқандарова Моҳира билан жинсий алоқада бўлиб келган. Тўғриси, анча ҳаяжонга тушдим. Қонунларни қайта-қайта ўқиб чиқишга тўғри келди. Ҳатто бир неча бор прокуроримдан маслаҳатлар олдим.

Хуллас, аниқланишича, Қаландаров Фахриддин 2001 йилнинг феврал ойдан кўшниси — Тўрткўл шаҳар, Аббосов кўчаси, 25-уйда яшовчи, 1986 йилда туғилган Моҳиранинг туғма ақли заифлигини била туриб, уйда ҳеч қим йўқлигидан фойдаланган ҳолда у билан мунтазам равишда жинсий алоқада бўлиб келган.

Ушбу жиноят иши 2001 йил 3 май куни жиноят ишлари бўйича Тўрткўл туман судида кўрилди. Судланувчи Ф.Қаландаровнинг қилмиши ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «а» бандидан 128-модданинг 2-қисми «а» бандига қайта классификация қилинди ва у 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Менинг бу соҳага қизиқишим ортшига сабабчи бўлган яна бир инсон кўп йиллар прокуратура соҳасида ишлаган онам Гулнора Бобононова деб биламан. У кишининг насаҳатларини ҳар доим ёдда тутаман.

Мана бугун севган касбимда ишлаяпман. Мақсадим халққа ҳалол ва адолатли хизмат қилиш.

Жаҳонгир РЎЗМЕТОВ,
Тўрткўл туман прокурорининг ёрдамчиси

QING'IR ISHNING QIYIG'I

Мамлакатимизнинг чегара ҳудудида жойлашган божхона постлари орқали юртимизга кўшни давлатлардан ҳар кўни минглаб йўловчи кириб-чиқади. Қай бири юртимизга иш билан келади, қай бири ҳудудимиз орқали шимолдаги кўшни давлатларга ўтиб кетади — ўзларининг иши. Нима бўлганда ҳам бирор одам юртимизга кириб келдим, меҳмон саналади. Меҳмон эса эъзозланиши керак. Аммо, афсуски, меҳмонларнинг ҳаммаси ҳам яхши ниятли бўлавермас экан.

ҚИММАТ «ИКАРУС»

2003 йилнинг 7 сентябри. Тожикистондан Ўзбекистон орқали Қозоғистонга ўтиб кетиш учун Тошкент вилоятидаги «Ойбек» божхона постига кириб келган «Икарус» ҳайдовчиси саяёков божхоначиларда шубҳа уйғотди. Автобус ҳайдовчиси, Қирғизистон фуқароси Неъматулла Исқандаровнинг ўзини тутиши, гап-сўзидаги парокандалик унинг нимадандир хавотирланаётганини аниқлатар, божхоначиларни чалғитишга уринаятгани сезилиб турарди. Божхоначилар автобусни назоратдан ўтказишни бошлаганларида эса Неъматулла ўзини кўярга жой тополмай қолди.

Автобуснинг ёқилги баки учта эканлиги шубҳали эди. Юкхонадаги бакдан сояярқа бошқа бакка олинганида бор-йўғи 200 литр чиқди. Ваҳоланки, бак 400-500 литр сизимга эга. Божхоначилар адашмаган эди: сохта бак тешиб кўрилганда ичидан кўшимча идиш, унинг ичиди эса скотч ва полиэтилен пакетларга ўралган катта миқдордаги героиня яширигани аён бўлди. Шу тариқа Қозоғистонга, ундан Евро-

па давлатларига олиб ўтилиши мўлжалланган рекорд миқдордаги — 116443,5 гр., тарихида диацетилморфин-героин бўлган наркотик модда юкланган «қимматбахо» «Икарус» ушлаб қолинди. Турган гапки, Н.Исқандаров ва унинг шерикларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиди, жиноятчилар жаазосиз қолмади.

Бангиларни била туриб ўз жонига қасд қилганлар, гиёҳфушуларнинг эса ўзи билан бирга юзлаб кишиларнинг жонига қасд қилган одамларга қийёлаш мумкин. Далиллар шуни кўрсатадики, бундайлар ҳар икки ҳолатда ҳам қилмишининг фожеа билан туғашини яхши биладилар. Билиб туриб шу

ишга қўл уришади. Қирғизистонлик Неъматулла ўз юртида тўрт фарзанди, 75 ёши қаршилаган онаси, рафиқаси билан тинчгина умргузаронлик қилиб юрган эди. Ишдан ҳам, топиш-туттишдан ҳам нолимаса бўларди. Аммо нафс балоси, «бир нарсаги бўлиб қолиш» вазасаси ҳаётини остин-устун қилиб юборди. Неъматулла Тожикистонлик «Ишбилармон»лар билан алоқаси охи-

қибат уни панжара ортига элтишига ақли етганида кеч бўлган эди. Хатарли ўйинга қўшилиб қолганини сезган Неъматулла ундан чиқишга уриниб қўрди. Бирок, нарқоборларнинг гўли-саси бўлмади имкон бермади. Жиноят кўчасига бир кирдингми, ундан қўйиб кетиш мумкул. Бу кўчага одамлар ўз ихтиёри билан қирадилар, вақти келиши эса уни бу кўчадан чиқариб ташлашади. Афсуски, буни тушунмаган Неъматулла қабилар пулни деб ўзининг, оиласининг бахтини, тинчлик ва хотиржамлигини қурбон қилиб қўядилар.

А. АБДУРАЗЗОҚОВ,
Тошкент вилоят прокурорининг ёрдамчиси

QILMISH-QIDIRMISH

ФРИРИБГАР ТАБИБ

Халқимиз жуда содда ва оққўнғил. Бир-бирига бирор янгилик ёки қизиқарли воқеа ҳақида гапириб берса, дарров ишонлади. Мабодо қариндоши, кўшниси ёки ҳамқишлоғи бетоб бўлиб қолса, унинг ҳолидан хабар олишни фарз деб билади. Ҳатто у ер-бу ердаги табибу фолбинга учрашни маслаҳат берадиганлар ҳам бўлади. Бемор ва унинг яқинлари тезда халоскорни топиш пайига тушишади. Бирок бунинг нафи бўлса қошки эди... Яқинда Гиждувон туман судида бир жиноят иши кўрилди.

FOJEА SABABI LOQAYDLIK

АЁЗДА ҚОЛГАН ЧЕЧАК

Тўй — инсон умрининг ажойиб они. Фарғона туманининг Ёрдон қишлоғида яшовчи Дилором ҳам нозиккана келинсаломлар билан Зафарларникига, яъни кўшни хонадонга кириб келди. Кўнгли бил орам орзулар ила келинлик вазифасини адо эта бошлади. Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ширин турмуш дарз кета бошлади. Кўёв бўлмиш Зафар бехуда рашк билан Дилоромни ишдан бўшаттириб олди. Тириччилик ташвишида Т.Шодиева ноли хўжаликка кўчиб келиб ижарада яшай бошлади. Орада қизалоқли бўлишди. Лекин Зафарнинг хунари тобора авҳига чиқиб борар, Дилоромни муттасил равишда қимлардандир рашк қилиб қийнарди. Энг ачинарлиси — уни биров билан «дон олишиб юриш»да айблади. У бундай номаъқул ҳаракат билан қаноатланиб қолмади, қимгадир тўхмат қилиб аёлини пул топиб келишга мажбур қилди. Агарда ўшандан пул олиб келмасанг, маҳаллага қимилгингни айтиб, шарманда қиламан дея дўқ-пўписи қилди. Ҳеч қачон ҳиёнат бўласанга қадам босмаган келинчақ учун бу ҳол ўлимдан ҳам оғир эди. Кўнаётган гап-сўзлардан эса Дилоромнинг ота-онаси лол қолган. Ахир шунча вақтгача қизларининг бирор эгри сўжмоққа қадам босганини қўрмаган, эшитишмаган. Бу дунёда разолатга ўт кетмайди дейдилар. Разолат ва қабохат исқанжасида қолган Зафар ва унинг отаси мажбурий равишда Дилоромдан ўзининг ёмон аёл эканлиги, бундан кейин эрига қиз хотин олиб беришликни-ю у билан худди опа-сингилдек яшашга рози эканлиги ҳақида тилхат ёздириб олдилар. Қандай мунофиқлик! Калтақдан кўзалари кўқарган Дилором оилада бўлиб ўтган гап-сўзлардан кейин ота-онасиникига келиб ҳеч қачон у ерга қайтиб бормаслигини айтиб йиғлади. Лекин Зафар оқшом тушмаёқ ўзини олижаноб инсон қилиб кўрсатиб, Дилоромни қилган (аслида эса қилмаган) айби учун кечирганлигини айтиб уйига олиб келди. Тинимсиз тазийқлар гирдобиди қолган Дилором бошини қай деворга уришни билмай ўз жонига қасд қилиш йўлини танлаб, баҳорнинг илк кунларидея соғуқ урган чечак мисоли хасан бўлди.



Самарқанд вилоят прокурори А.Азизов Меҳрибонлик ўлиб тарбияланувчиларга савгалар улашмоқда.

Тумандаги Саидкент қишлоғида яшовчи Истам Рашидов одамларга ўзини табиб сифатида таништириб, фирибгарлик йўли билан пул ишлаган. Тиббиёт соҳасида маълумоти ҳам, ҳужжати ҳам йўқ бўлса-да, инсон ҳаёти билан ўйнашиб, беморларни ўзича даволашга тутинган.

Буни қарангки, сохта табибнинг доверуғи шаҳару қишлоқларга ҳам ёйилган. Содда одамлар эса миш-мишларга ишониб, унга муножаат қила бошлайдилар.

И.Рашидов «ўлиқни ҳам тирилтираман» деб ҳузурига келаятган беморларни ўз билангина «даволарди». Айрим касаллар ҳатто шифокорларга ҳам бормасдан Истам «табиб»нинг ҳузурига навбат қутишарди.

КАСАЛХОНАДАН КЕЛТИРИЛГАН БЕМОР

«Оқ олтин» ширкат хўжалигининг Ростгўй қишлоғида истиқомат қилувчи йигирма бир ёшли Шуҳрат Раҳимов буйрағи касалланиб, туман марказий касалхонасининг реанимация бўлимида даволанаётган эди. Шуҳратнинг ота-онаси Истам «табиб»га муножаат қилишди. У эса беморни касалхонадан уйига олиб келишни буюради. Шуҳратнинг аҳолини кўриб, нажот қутаётган ота-онага: «Ўлгингизни 3 йилда даволаш мумкин», — дейди. Шундан сўнг «тез ёрдам» машинасида беморни олиб келган врач уни қолдириб, нафас берадиган мос-

ламасини олиб ортга қайтади. Шуҳратнинг оғзида фақат пластмаска трубка қолади. «Табиб» трубкани олиб ташлаб, муолажага киришади. У Шуҳратга 3 соати 15 дақиқа оғзи билан нафас беради. Кичи Дилдора эса шу вақт давомида «Есин» сурасининг ўзбекча таржимасини ўқиб туради. Бирок беморда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Тунги соат ўнларда Шуҳратнинг жони узилди...

Фирибгар бошқа фуқароларни ҳам даволайман деб алдаб, ишончини суиистемол қилиш йўли билан жами 895 миңг сўмлик мулкни қўлга киритган.

КАБРДАН ҚАЙТАРИЛГАН МУРДА

Нафси ҳақалак отган сохта табиб энди одамларнинг кўзига тик боқиб, ўлиқни ҳам тирилтиришга кўрб етажанини айта бошлади. У бўлиб ортириши йўлида оллоҳдан ҳам, авлиёларнинг номини қурол қилиб олишдан ҳам кўржмасди.

«Табиб» 2003 йилнинг 10 феврал куни Қизилтепа туманида истиқомат қилувчи, 2002 йил 25 августда туғилган Гадовев Рустамни уйи яқинидаги қабристонга дафн қилиш учун олиб келаятганларидан хабар топади. Марҳумнинг қариндошларини алдаб, мурдани кўмишга қўймасдан, қайта тирилтиришга ишонтириб уйига олиб кетади.

Сохта табиб мурдани таҳқирлаб оғзига сут, шўрва солади,

ЭРКИН СУЛТОНОВ, ГИЖДУВОН ТУМАН ПРОКУРОРИ, ОЛИМ ТЎРАЕВ, ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ГИЖДУВОН ТУМАН СУДИ РАИСИ

Айрим ҳолларда жонига қасд қилган аёлни руҳий хаста эди деган фикрни билдирамузу бунинг асил сабабини ахтаришдан ўзинимиз олиқ қочамиз. Ҳамма гап оилага бориб тақалади. Турмуш қураётган йигит қабридан танган, ақли расо, ҳақийқ эр киши бўлиши лозим. Аёллар онгига эса ирода, бардош деган тўғўларни кенгрок сингдириб зарур. Аёлни асрасак — оламини, эртанги кун авлодини асраган бўламыз.

И. АБДУХАКИМОВ,
Фарғона туман прокуратурасининг төғрөкчиси,
М. ҚОБИЛЖОН қизин,
журналист

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ:



ИСЛОҲОТЛАР, НАТИЖАЛАР

Халқи олий ҳокимиятдан фойдалана олган мамлакатгина эркиликнинг чинакам маскандир.

Цицерон

ЕР — ЭЛ РИЗҚИ МАНБАИ

УНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШГА ҲЕЧ КИМНИНГ ҲАҚҚИ ЙЎҚ

Аждодларимиз ҳар қарич ерни авайлаб-асрашган, эъозлашган. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»да ерга муносабат, ундан мақсадли ва оқилона фойдаланишнинг қонуний асослари аниқ кўрсатиб берилган.

Туман прокуратураси томонидан ерга доир қонунлар ижроси кай даражада бажарилаётганлиги мунтазам равишда текшириб борилмоқда. Яқинда тегишли мутахассислар иштирокида ушбу масала яна бир бор ўрганиб чиқилди. Натигада жойларда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бирга ердан мақсадли фойдаланиш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Тумандаги «Тошкент» ширкат хўжалиги оилавий пудратчиси А.Холмуродов ижарага олинган 32 гектар ер майдонининг 20 гектарига пахта, 12 гектарига галла экилиши режалаштирилган. Шу мақсадда 3 тонна уруғлик дон ҳам олинган. Амалда эса 8,6 гек-

тар ерга галла эккан, холос. 0,23 гектар майдонга эса ўзбошимчилик билан сабзи эккан. Ваҳоланки, чигит қадалиши кўзда тутилган майдоннинг бир қисми хануз гўзапоядан тозаланмаган экан.

«Хўжайлоқ» фермер хўжаликлари уюшмасида ҳам қонунга зид ҳаракатлар содир этилган. Уюшмага қарашли 7,2 гектар сугориладиган ер майдони 30 нафар фуқарога бўлиб берилган.

«Лалмиобод» фермер хўжалигининг собиқ бошлиғи Х.Норкуловнинг қилмиши эса ҳамманиқидан ошиб тушган. У киши пахта ва галла экиш режалаштирилган ер майдонини туман ҳудудида яшамайдиган 14 нафар шахсга томорқа сифатида бўлиб берган.

Аниқланган қонунбузарликларнинг олдини олиш, ер майдонларининг талон-тарож қилинишига чек қўйиш юзасидан тегишли тартибда прокурор таъсир чоралари кўрилади.

Панжи МАХМАНАЗАРОВ, Бандихон туман прокурори

Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислохотлар амалга ошириляпти. Бунинг асосида мулкчилик шаклини ўзгар-

да жами 373,5 гектар ерга пахта ўрнига бошқа экин экилган. Натигада тайёрлов идораларига 10

Маълумки, 2004 йил 11 март куни Ўзбекистон Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Шу муносабат билан қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислох қилишга қаратилган қонунлар, улар асосида қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида прокуратура органларининг фаолияти кучайтирилди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ЭРКИНЛАШТИРИШ САРИ

тириш, бозор муносабатларини узил-кесил жорий этиш, ердан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш, фермерларнинг том маънода эркин фаолият юритишига эришиш каби вазифалар туради. Ўтган йиллар мобайнида баъзи ютуқларга эришилди. Лекин ҳали муаммолар кўп. Шартнома мажбуриятини бажармаслик, ердан кўзда тутилмаган мақсадда фойдаланиш, ёнилғи, минерал ўғитларни талон-тарож қилиш, ҳисоб-китобларда дебиторлик-кредиторлик қарзларининг пайдо бўлиши ва ниҳоят турли даражадаги мансабдорларнинг суиистеъмолчиликларга йўл қўяётгани шулар сирасига кириди. Буларнинг бари ерга, мулкка эгаллик масъулиятининг етарли даражада шаклланмаганидан далолат беради. Буни Жиззах, Сирдарё вилоятларида ўтган йилга оид статистик маълумотлар таҳлилидан ҳам билиб олиш мумкин. 2003 йили Жиззахда давлатга пахта сотиш режаси 230 минг тоннани ташкил этгани ҳолда 151 минг тонна хомашэ йиғиштириб олинди, режа атиги 65 фоизга бажарилган. Бунинг асосий сабабларидан бири ердан самарасиз фойдаланишдан иборат. Ўтган йили 164 нафар фермер статистик ҳисоботни бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган. Текширишларда аниқланишича, 13 та холат-

млн. сўмлик зарар етказилган.

Сирдарё вилоятида бу йил 115.300 гектар ерга чигит экилиши режалаштирилган эди. Масъулиятсизлик туфайли баҳорда бу иш кекичи бажарилди. Апрель ойининг ўзида мана шундай масъулиятсизликни бартараф этиш мақсадида 8 та жиноят иши кўзга-тилиб, тергов олиб борилмоқда.

Масалан, Мирзабод тумани «Н.Қулбеков» ДФХБ ҳудудида жойлашган Бёввут туманлараро минерал ўғит базасига қарашли 1-шаҳобчада тешириш ўтказилганда, шахобча мудири О.Пиримқулов 8.202.292 сўмлик аммиакли селитрани талон-тарож қилганлиги аниқланди.

Бундай ҳолатга Жиззах вилоятида ҳам жуда кўп дуч келиш мумкин. Ўтган йили «Қишлоқхўжалиқкимё» мансабдорлари 703,1 тонна минерал ўғит ва 2235 килограмм захарли химикатни талон-тарож қилишган. Қишлоқ хўжалиги субъектларига ёнилғи етказиб беришга оид қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 22 та жиноят иши кўзга-тилган. 22.269.000 сўмлик нефть маҳсулотлари талон-тарож қилингани аниқланди, етказилган зарар айбдорлардан ундириб олинган.

Юқоридаги фактлар прокуратура органларида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи

субъектларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўлимлари ўз вақтида ташкил этилганидан далолат беради. Бу соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, турли қонунбузилишларни бартараф этишга олиб келишига ишонши мумкин.

А.НАЗАРОВ,

Сирдарё вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи.

Н.НОРБОВ,

Жиззах вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи

«ҲОЙ» ДЕГАНИ ҲОЖИ ЙЎҚ...

...Остон Ҳамроев 1999 йилдан бўён вилоят «Қишлоқхўжалиқкимё» акционерлик бирлашмасининг Жондор туман филиалига қарашли «Яккатут» таъминот базасида минерал ўғитлар омбори мудири бўлиб ишларди.

«Зап ячши жойни эгалладим-да, ўзи! Минерал ўғитлар — ернинг жони. Усиз бирор дехқон экинини яшната олмайди. Бир оғиз уларга сотиладиган ўғит борлигини шипшитиб қўйсам бас. Қараб-сизки, ишлар «беш!» Энг муҳими, бу ишни ими-жимиди баҳарлаш керак. Тарозининг посангисини келиштирсам, камомад ёпилади, қолади. «Сих ҳам қуймайди, қабоб ҳам» — ўзича ўйлади у. «Ҳой»

дегани ҳожи йўқ, «эй» дегани бўжи йўқ», қабилида иш тутган мудар шу тарика «иш»га киришди.

У 1215 килограмм, умумий баҳоси 198021 сўмлик «Аммофос» минерал ўғитни машинага ортиб, Қорақул туманига олиб борди. Омбор мудирига дарров харидор ҳам топила қолди. Савдон пишитиб, жарақ-жарақ пуллари кўлига олган О.Ҳамроев бу ишни яхшиликка олиб бормаслигини биларди. Аммо, мўмай даромад «иш»ки унинг хаёлини чирмаб олганди.

О.Ҳамроев ҳам шу ерга илдиш отдим, энди даврон ҳам, имкон ҳам меники деб ўзига ортиқча бино қўйди. Бирор жавобгарлик уни таг-томири билан юлқиб таш-

лаши мумкинлигини унутди. Унинг жинойи қилмиши фош этилиб, тегишли жазо тайинланди.

Ернинг ҳақиқий эгалари минерал ўғитларни ўз вақтида олма, ҳосилнинг қўғи баланд бўлиши аниқ. Чунки ернинг мелиоратив соэзлиги, минерал ўғитларнинг тўйиниши қутилган натижани бериши мумкин. Аммо, дехқон ўғит тополмай овбара-сарсон бўлса-чи? Уларнинг бундай ҳолга тушишларига О.Ҳамроевга ўхшаганлар сабабчи эмасми?

Ўтқир МАЛИКОВ,

Жондор туман прокуратурининг ёрдамчиси

Шахло БАҚОЕВА,

журналист

ДЕҲҚОННИНГ КОСАСИ

Яширадиган жойи йўқ. Баъзи вилоятларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш режаси бир неча йиллаб бажарилмаслиги оқибатда хўжалиқлар ночор аҳволга тушиб қолиши. Меҳнати учун вақтида ҳақ ололмаган деҳқоннинг эса кундан кунга қўли ишдан совуб борди. Ернинг ҳақиқий эгаларига берилаётгани эса дилларга қайта умид бағишламоқда.

ОҚАРАДИ

Бирор йил йўқки, Нарпай тумани меҳнат-қашлари зиммасига олган мажбуриятини ортиғи билан адо этмаган бўлсин. Бунга элни фуқароларнинг манфаатдорлигини ошириш, меҳнатнинг тўлақонли қадрланиши туфайли эришилмоқда.

Бу йил ҳам 11.780 гектар ерга чигитнинг «Оқдарё-6» нави экилган эди. Айни пайтда барг ёзаётган ниҳоллар эҳтиёткорлик билан парвариланаётган. Бунинг учун зарур техника агрегатлар билан тўлиқ таъминланиб, иш икки сме-нада олиб борилмоқда.

16 та ширкат ва 270 та фермер хўжалигида ишлар қизғин кетаяпти. Пахта ҳосили учун бу йил 12 та мақсадли транш орқали 574.400.000 сўм маблағ келиб тушган.

Пахта учун белгиланган 1.871 тонна азотли

ўғитдан ҳозиргача 652 тоннаси тарқатилди. Деҳқонларга иш ҳақи билан бирга ун ҳам берилаяпти.

Туман прокуратураси томонидан қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси юзасидан текширишлар муттасил олиб борилмоқда. Ҳозиргача қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 9 та тақдирнома киритилиб, шунча киши расмий равишда оғохлангирилди. 20 киши интизомий, 71 киши маъмурий, 17 киши эса моддий жавобгарликка тортилди. 2 та жиноят иши кўзга-тилиб, судларга 45.800 сўмлик зарарни ундириш тўғрисида 4 та даъво аризаси киритилди.

Хулоса битта: чинакам меҳнат албатта самарасини беради.

Абдулла ТҲОЛҚОВ,

Нарпай тумани прокурори

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни жаддаллаштириш, ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида фермерларга ер берилмоқда. Бирок уларнинг айримлари ердан ўзбошимчилик билан фойдаланаётгани ташвишланарли ҳолдир. Шундай экан, шартноманинг бекаму кўст бажарилишига ким кафолат беради?

Ўзбекистон

Президенти-

нинг «Қишлоқ

хўжалигида ис-

лохотларни амалга

оширишга қаратил-

ган қонунлар ижросини таъминлашга оид

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

Фармони ижроси юзасидан Шеробод туманидаги

хўжалиқларда текшириш ўтказилди.

Бунда ердан оқилона фойдаланиш ва унинг талон-тарож қилинишининг ол-

дини олиш борасида йўл қўйилаётган кам-

чиликларга кўпроқ эътибор қаратилди.

Маълум бўлишича, Н.Муродов номили

ширкат хўжалигида жойлашган «Умид»

фермер хўжалиги бошлиғи Амир Ҳасанов режада кўрсатилган 10 гектар ернинг 0,15 гектарига пиёз, 0,12 гектарига қарам эккан. Ваҳоланки, унга ажратилган ерга тўлиқ пахта ва галла экишга лозим эди.

У.Туропов номили ширкат хўжалигида жойлашган фермер хўжалиғи бошлиғи Н.Нормуродов 1 гектар ерга кўкат, оилавий пудрат бошлиғи Н.Қосимов 0,2 гектарга пиёз эккан. Афсуски, бундай «ишбилармон»лар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Уларга нисбатан МЖТКнинг

ҲУҚУҚБУЗАР ФЕРМЕРЛАР

65-моддаси 1-қисми билан маъмурий иш кўзга-тилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар бир фермер қонунда белгиланган тартибда иш юритса, ҳеч қандай галлага ўрин қолмайди. Ер, сув, минерал ўғитдан самарали фойдаланган фермернинг юзи ёруғ бўлади.

Р.МУСАЕВ,

Шеробод туман прокуратурининг катта ёрдамчиси

(Давоми. Бошланғичи 1-бегда).

ШХТнинг 2004 йилги бюджети 3,5 млн. АҚШ доллари ташкил этгани ҳақида ташкилот иккунчи котиби Чжан Дагун матбуот конференциясида маълум қилган. Бу сумманинг 2,1 млн. доллари ШОС котибияти эҳтиёжи учун сарфланса, 1,3 млн. доллари эса минтақавий аксилтеррор тузилма бюджетини ташкил этади. ШХТ котибияти 30 кишилик тартибда иш юритади ҳамда сиёсат ва хавфсизлик, иқтисод ва савдо, маданият ва инсонпарвар ҳамкорлик муаммолари билан шуғулланувчи учта ишчи гуруҳини ташкил этади. Маълумки, ШХТнинг котибияти Хитой пойтахти Пекинда,

Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ўзбекистон пойтахти Тошкентда фаолият юритмоқда.

ШХТнинг ташкил этилишидан қўзланган асосий мақсад нимадан иборат? Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотта аъзо бўлишидан қўзланган мақсадлари, манфаатлари нималарда кўринади?

Жаҳон тажрибаси умумбашарий ва минтақавий муаммоларга қарши курашининг самарали усули бу борада мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат эканлигини кўрсатмоқда. Яъни, дунёвий хавфсизлик ва барқарорликка фақатгина минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик орқали эришиш мумкин. ШХТнинг ўз олдига

УМУМИЙ МАҚСАД ВА МАНФААТЛАР ЙЎЛИДА

қўйган вазифалари эса барқарор тараққиёт ва фаровон истиқбол учун ҳамкорликда кураш олиб боришдан иборатдир. Қолаверса, давлатлар ўртасидаги яхши кўшничлик муносабатлари ва ҳамкорликнинг ривожланиб бориши нафақат минтақادا, балки бутун дунёда хотиржамлик ва барқарорликнинг қарор топишида муҳим аҳамият касб этади. Яна шуни айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг бу борадаги қарашлари ШХТга аъзо бошқа дав-

латлар қарашларидан фарқ қилмайди. Zero, ШХТ ўз олдига инсоният бошидан урушлар ва турли ҳарбий-сиёсий тўқнашулар хавфини дафъ этиб, абадий тинчликка, фаровон ҳаётга эришишдек улғун мақсадни қўйган. Мамлакатимиз манфаатлари ҳам хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар, транспорт коммуникациялари масалаларида акс этади.

ШХТнинг мамлакатимиз манфаатлари билан ҳамоханг яна бир жи-

ҳати, унинг халқаро терроризм, диний экстремизм ва миллий айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида намоён бўлади. Бундан буён ҳам ушбу йўналиш ШХТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолади.

Шавкат ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги
Давлат ва жамият қурилиши
академияси аспиранти

ORAMIZDAGI ODAMLAR

ЙИҚИЛГАН КУРАШГА ТҶЙМАС, ДЕЙДИЛАР

(Давоми. Бошланғичи ўтган сонда).

... Сал кўполроқдай туюлса-да, лекин аччиқ ҳақиқатни ифодалайдиган мақол бор: «Буқрини гўр тузатади». Худди шунга ўхшаб, аввал ҳикоя қилиб берганим — уй билан боғлиқ йўқотишларимнинг алами ҳали унутилмай, совимай туриб яна янги кўргуликларга бош қўшиб олганимни билмай ҳам қолибман.

... Хуллас, гап-сўзларига қараганда жуда бамаъни, ҳақгўй, жонқуяр, қийналган одамларнинг гамини ейдиган танишим бор эди. (Шу ўринда яна бир нодонлигимни айтишим керак: мен гап-сўзларга шунчалар ишонувчан эканманки, чиройли, таъсирли, ҳақиқатни ёқлаб гапирадиганлар ҳақида «Бу одамнинг тили билан дили бирми?» — деган саволни ҳеч ўзимга бермаганман).

Уша танишим билан ҳаётий масалаларда узоқ-узоқ гаплашардик. Айтилик, исми Фарида бўлсин. У бир ўғли билан яшар, «Эрим Россияга ишлагани кетган, лекин доимий равишда оиланинг кам-кўсти учун пул юбориб туради. Ҳатто, ўлим касал бўлса ҳам, мен пул сарфламайман, уша заҳоти самолёт орқали дадаси юборади», — дерди. Мен Фаридага бўлиб ўтган уй воқеаларини ҳам айтганман ва у менга жуда ачингандай эди.

Бир кун у менга Тошкентнинг Юнусобод туманида бир хонали уй арзон сотилаётганлигини, уйнинг эгалари ҳозир Москвада яшаб, эрининг қўл остида ишлаётган одамлар эканлигини айтиб, «Сотиб олмайсизми?» — деди.

Йиқилган курашга тўймас, деганларидек, худди йўқотилган уйнинг ўрнини тўлдирish мумкиндек, қолаверса, хонадонимизда ҳамон давом этаётган уй билан боғлиқ нохуш гап-сўзларга чек қўйиладигандек, Фариданинг тақлибига қизиқиб қолдим.

— Эрим у уйни кўрган, европача таъмирдан чиққан, — деди Фарида. — 800 минг сўмга беришадди. Пулни тайёр қилиб туриш керак. Улар бир-икки ой ичида келишадди-да, сотиб кетишадди.

1999 йил эди ўшанда. Худого шуқр, мени тушунадиган, менга ишонадиган дўсту қадрдонларим бор. Улар имконлари етганича қарз бериб туришди, ўзим ҳам сотишим мумкин бўлган нарсаларимни сотиб 400 минг сўм тўпладим ва уни Фариданинг қўлига элтиб бердим. Чунки у:

— Мен эрим билан гаплашдим, эгалари ҳам рози, уйни фақат сизга сотаётган бўлишди, — дея мени салкам уйнинг эгаси қилиб қўйганди. Ўзим эса пулнинг қолган қисмини йиғишга тушдим. Асли наманганликман. Қариндош-уруғлар орасида хусусий дўкон очиб атлас тўқийдиганлар бор. Акам қўймати 200 минг сўмликка яқин атлас бериб:

— Мана шуни сотиб, пулни ишлайтиб тур, топангиданга берасан, — дедилар.

Атласни олиб келиб қўйдим-у, савдо билан шуғулланмаганим учун нима қилишни билмасдим.

— Менинг олтига овсинми бор, — деди бир сафар Фарида телефонда. — Яқинда хонадонимизда тўй бўлади, ҳаммаси атлас кийинишмоқчи. Олиб келсангиз, балки улар олишар.

Мен ҳамма атласни (дарвоқе, дастлаб 20 метр ўзимга ёқганини уйда қолдирдим) унинг ўйига элтиб бердим. Лекин эртасига Фарида телефон қилиб:

— Овсинларим бундан ҳам чиройли, қимматбахо атлас кийишмоқчи, уларга ёқмади. Лекин ёнимиздаги мактаб ўқитувчилари кўриб, оламиз дейишяпти, — деди-ю, икки-уч кун-

дан кейин яна телефонда, — бир жияним бор, болалари билан эри ташлаб кетибди, нон сотиб олишга пули йўқмиш, йиғлаб ўтирибди. Шу жияним савдо-сотик билан шуғулланади, атласни сотиб тирикчилик пули чиқариб турса майлими? — деб сўради. Мен «Унга ишонса бўладими?» деб уч марта сўрадим. Фарида: «Мен ўртада турибман-ку! Ўзимнинг жияним», — деб ишонтирди ва тез қўнда атласни сотиб пулини беришини айтди.

Назаримда, уй сотиб олишим учун 600 минг сўм нақд бўлган, яна 200 минг сўм тўплаш ҳаракатида эдим. Фарида менга банкда таниши борлигини, у аёлга совғасалом қилинса, пулдан ёрдам бериши мумкинлигини айтди ва мен ўзимда қолган 20



ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

ЁКИ ҚОНУНЛАРГА ЭЪТИБОРСИЗЛИКНИНГ АЧЧИҚ САБОҚЛАРИ

метр атласни совга, деб Фаридаликка элтиб бердим. Лекин бир кундан кейин у асабийлашиб телефон қилди-да: — Жияним кеча атласларни дерди сотиб бўлдим, сизларга раҳмат, деганди. Бугун уйга келсам, мендан сўроқсиз сиз совгага олиб келган атласниям олиб кетибди. Ўғлимнинг гапига қулоқ ҳам солмабди, қўшилларим кўришибди, — деди.

Ва ўша кунларнинг бирида Фарида уй сотувчилар Тошкентга келишадиганини айтди. Телефонда тополмагач, Фарида иккаламиз жиянининг уйига бордик...

Мени ҳайрон қолдиргани — у ўз жиянининг уйини билмас экан. Қўни-қўшилариндан сўраб-суриштирганимизда, жиянининг исми Фарида айтганидек, Нодира эмас, Шоира бўлиб чиқди. Шоиранинг оилавий аҳоли ҳам аввал эшитганимдек, ночор эмас, янги қурилган ҳовли эди. Шоира бир дунё идишларни ювиб ўтирарди.

— Мехмон кутгандик, — деди у. Ва бундан ҳам ажабланарлики, эри уйда, дарвоза олдида қоп-қора машинаси турарди.

Мана шундан бошланган саргузашт қарийб икки йил давом этди. Дастлаб Шоира пулни фалон вақтда бераман, деб ваъда қилиб юрди. Кейин бирданга: «Уйимга ўғри тушиб, атласни олиб чиқиб кетибди» деди. «Сотиб бўлдим, дегандингиз-ку» деган гапга: «Бир қисмини сотганман, бир қисми қолганди» деди-ю, сотилган қисмининг пулиниям бермади.

— Мен уни тинч қўймайман, — дерди Фарида. — Ҳали ҳеч кимга ҳаққимни олдирмаганман. Керак бўлса уйдаги телевизор, гиламларини олиб чиқиб кетиб, пулингизни тўғрилаб бераман.

2001 йилнинг Наврўз байрами арафаси эди. Фарида менга Шоира билан гаплашганини, пулни байрам кунига тўғрилаб бермоқчи эканлигини айтди. Байрам келди, тинчлик. Яна бир оз кутдим-да, Фариданинг олдига бордим.

— Пулни олибсиз-ку, — деди у кутилмаганда.

Аваллига каловланиб қолдим, сўнг «Юринг олдига борайлик» дедим. Назаримда кўз кўзга тушганда ҳақиқат аён бўладигандек эди. Бордик.

— Пулни бердим-ку, — деди Шоира кўзимга тик қараб, — 8 март арафасида келиб олиб кетдинг-ку!

— Ахир, 19 март куну Наврўз байрамида қарзимни бераман деган одам...

Гапим оғзимда қолди. Шоира тилига келган сўзлар билан ҳақорат қила бошлади. Бир сафар борганимизда Фарида унинг чарм пальтосини гаровга олиб кетганди, мен уни ушлаган ҳам эмасман.

— Пальтомни ҳам олиб кетдинг, кийиб юрганингни кўрдим, пулларниям олдинг, — деб бақирарди Шоира. Яна ажабланарлики, бизнинг боришимизни билиб, ҳозирлик кўргандек, Шоиранин уйда онаси, қариндош, эри тўпланганинган, ҳар бири гўё менинг пул олганимга гувоҳ бўлиб гапирарди.

Мени ҳовлидан ҳайдагандай чиқаришди, шундан кейин ҳар гал бу хонадонга Фарида-нинг ўзи кириб гаплашадиган бўлди.

Гарчанд ўша пайтда Фариданинг қўлида Шоиранинг пальтоси сақланаётган бўлса-да, Шоира тўқийган воқеаларнинг муддати, куну ҳақиқатга тўғри келмаса-да, Фарида менга шубҳалангандай муносабат қила бошлади.

— Фаридадан, биттагина ўғлингиз бор, уни боқиб, кийинтириш учун ҳам қанча сарф-харажат кетаётганини билиб турибсиз. Менинг эса учта фарзандим бор. Уларнинг ризқини қирқиб қарзни узишим осонмас. Шунинг учун қандай қилиб бўлмасин, пулни-ни ундириб қаранг, ахир, ўзингиз жияним, деб ишонтиргандингиз-ку, — дедим охири ва ҳеч қанча вақт ўтмай Фарида билан ишлайдиган аёллардан бири:

— Фариданинг ўғлини қаргаганингиз учун у пулни ундириб бермас экан, аралашини-яма хохламас экан, — деди.

Орадан бир йил ўтган дастлаб бериб қўйган 400 минг сўмни қайтариб олдим.

Лекин атласнинг пулини ундириш учун йўқотатган вақтим, асабим, соғлимни, йўл харажатлари беҳуда кетаётганлигини икки йил деганда тан олдим-у... қўлни ювиб қўлтўқка урдим.

Лекин бу орада асабларим ҳам анча юқарди шекилли, аввалига ҳеч кимга сир бой бермай юрган бўлсам, кейинчалик бу воқеаларни таниш-билишларга айтиб кўнглик бўшатадиган бўлдим. Ана ўшанда кимлардир менга ачинаиб, кимлардир нодонлигимдан ошқор қулиб: «Фаридани билмайсизми? Табво, эрининг тайини йўқ одамнинг қаёқдан олтига овсини бўлади?» деганларини эшитдим. «Бир машҳур профессорнинг ўғлини чет элга ишга жўнатаман, деб нималар қилганини эшитмаганимиз?» деди яна биров. Тўғриси, мен бунга ишонмадим ва бир куну тасодифан уша профессор аёл билан суҳбатлашди қолдим-у... Содда, ишонувчан илм кишиси Фариданинг ваъдаларига ишониб не қўйларга тушганини гапириб бергунича юраги ёмон бўлиб қолаёзди. Гапнинг охирида ундан йироқ юришни, пулни ҳам ўйламай, ундан кутилганимга шуқр қилишни маслаҳат берди.

— Балки биргалашиб кераклик маҳкамаларга мурожаат қилармиз, — дедим мен.

— Биринчидан, унинг турқини кўришга тоқатим йўқ, — деди профессор. — Иккинчидан, қўлида қонун талаб қиладиган ҳужжатларим йўқ, унинг гапларига лаққа тушганман-да!

Ана шунақа, менинг қўлимда ҳам атласни берганим ҳақида ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Шунинг учун ойлук маошимдан чегириб чегириб олганимни тўлаб, қарздан яқинда қутулдим.

Қутулдим-у... ҳассасини икки марта йўқотиб ҳам хулоса чиқармаган кўзи оғиз каби...

Кейинги воқеани бошлагунимча, юқоридагиларни яхшилаб мулоҳаза, мушоҳада қилиб олинг, токи, сизнинг ҳаётингизда бундай кўргуликлар бўлмасин.

(Давоми кейинги сонда).
Гулгун СУЛТОНОВА Ўзб ёлди

O'TMISHGA NAZAR

Бу дунёни ўтқинчи дейдилар. Ундаги ҳар не моддий нарсаси борки, оқибатида йўқлик мавжуд. Лекин идрок этган бу қонуният бизни лоқайд кишиларга айлантдириб қўймаглиги керак. Инсониятнинг яратувчанлик иштиёқи ўша йўқликни маҳв эта олишини чуқур ҳис қилмоғимиз лозим. Шунда аждодларимиз бунёд қилган ноёб ёдгорликлар муаммолар гирдобиди қолмайди...

кўтарилиши оқибатида шўрлиниб, оқариб ётибди. Бино деворининг бир метрга яқин қисмида ҳам шу ҳолат. Баъзи жойларда зах туйфайли гишлар кўча бошлаган.

— Бу тарихий бино, — дея изоҳ беради шу ердаги масъул ходимлардан бири, — Хива шаҳрининг энг паст ҳудудиди жойлашган. Шунинг учун ҳам захлаб бормоқда...

Бу каби манзарани «Ичанқалъа» мажмуасининг бир қанча жойида кузатиш мумкин. Устига устак термитларнинг тарихий обидаларга уюштираётган ҳужумига қарши, мана, бир неча йилдан буён чора



КЕЛАЖАКНИНГ МАЪНАВИЯТИ

топилмаяпти.

Ҳўш, ота-боболаримиз барпо қилган беназир обидаларни келажак авлод учун сақлаб қолишнинг имкони борми ёхуд бу дунёда ҳамма нарсаси ўтқинчи дея қўлни қовуштириб ўтираверамизми?!

— Йўқ! Лоқайдлик кетмайди! Қадимий обидаларни бекаму кўст асраб қолишнинг имкони бор, — дейди «Хоразм-Маъмун» академиясининг етакчи илмий ходими Гавҳар Дурдиева.

— Аввало «Ичанқалъа»даги ҳар бир тарихий ёдгорлик билан боғлиқ муаммони комплекс тарзда ўрганиш керак. Мисол учун, сизот сувлари ёки зах кўтарилиши туйфайли емирилга бошлаган иморат атрофиди энг

аввал гидромегиорация соҳасининг етук мутахассислари иш олиб бормоғи зарур. Шундан сўнг бутун шаҳар ҳудудидан ероти сувларини қочириб йўллари ишлаб чиқишли, амалда қўлланиши лозим...

Дарвоқе, суҳбатдошимизни яқинроқ таништириб ўтсам мавзу моҳияти янада теранлашар эди деб ўйлайман.

Гавҳар Дурдиева Хивада туғилиб ўсган. Техника фанлари номзоди. «Темир-бетон қурилмаларнинг зилзилабардошлик хусусиятини ошириш чора-тадбирларини излаб топил» мавзусидаги номзодлик иштини ёқлаганида Г. Дурдиева СамДўда фаолият юритарди. Мутахассисларининг эътироф этишича, у мавзуда илмий тадқиқот олиб борган МДҲдаги икки нафар олимпиа аёлнинг бири экан.

Гавҳар опа СамДўда ўн йилдан зиёд фаолият юритган, Хивага қайтди. Туман ҳокимининг ўринбосари лавозимиди ишлади. Айни пайтда

«Хоразм-Маъмун» академиясида тадқиқотларини давом эттирди.

Ҳозир у «Архитектура ёдгорликларини мустаҳкамлаш ва умрини узайтириш муаммолари» мавзусида докторлик иши бўйича изланиш олиб борапти.

— Мен жаҳоннинг қўлгина қадимий шаҳарларини сайёҳ сифатида кезиб чиққанман, — дейди Гавҳар опа. — Италия, Франция, Германия, Саудия Арабистони каби мамлакатларга бориб, қўнча иморатларнинг қандай қилиб бекаму кўст асраб-авайланаётгани билан қизиқимди. Рим, Берлин, Милан, Қоҳира, Макка, Мадина, Истанбулда туризм шу даражада ривожланганки, у ерда ишизилик муаммо эмас экан. Ҳамжаҳатликда иш қилинса, биз ҳам қўзланган мақсадга эришамиз.

Афсуски, бировларнинг маслаҳатини қабул қилишга нобоп «ғуруризм» йўл қўймайди.

Гавҳар опанинг изланишлари туйфайли Хоразмда олиб борила-

жақ тадқиқотлар учун республика Фан ва технология қўмитаси ҳамда халқаро ташиллотларнинг грантлари қўлга киритилди. Унинг «Хоразм архитектура ёдгорликларини мустаҳкамлаш ва умрини узайтириш» мавзусидаги иши учун Фан ва технология қўмитаси 1999 йилда 800.000 сўм маблағ ажратган эди. 2003 йили эса яна шу қўмитанинг 4.200.000 сўмлик грантига сазовор бўлди. Айни вақтда олимпиа бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи «Қутлуғмурод Инок» мажмуасида таъмирлаш ишларини олиб бормоқда.

Гуруҳ ишни комплекс тарзда олиб боришга эътибор қаратган. Обидалар кушандаси бўлиши термитларга қарши курашда биологларнинг қўмағига таянади. Ишнинг катта қисми гидромегиоратор ва бошқа мутахассисларга боғлиқ. Чунки бу ишларни сид-қидилдан амалга оширадиган мутахассислар етишмайди.

— Баъзан таъмирлаш ишларида оддий қурилиш биргадаси ишчилари қатнашадилар. Улар дарз кетган деворлар орасига цемент қориб ёпишади, қўнча гишларни лой билан жойига қўйиб ўтиб кетаверишади, — дея қўнади Гавҳар опа.

— Бу эса мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилиди иш қўришдир. Аслида ҳар бир иморатга ишлатилган хомашёнинг таркиби текширилиб, кейин шунга мос чорани қўрган маъқул. Ахир XVII асрдаги қориниша билан бугун биз ишлатаётган цемент хусусият жиҳатидан бир хил бўлса-да, уларнинг таркибиди яна нималардир бўлиши керак...

Дарҳақиқат, бу борада жиддий ўйлаб қўриш лозим. Хоразмда бу муаммо билан шугулланувчи мутахассислар тайёрлайдиган ўқув даргоҳлари борми?! Ҳеч бўлмаганда Хивадаги касб-ҳунар коллежларида тарихий ёдгорликларни тадқиқ қилувчи мутахассислар тайёрлайдиган бўлилар очилса нур устига нур бўлур эди.

Эрпўлат БАХТ, «Ниқуқ» муҳбири

SALOMATLIK SIRLARI

УЗОҚ УМР КўРИШ СИРИ

Дунёнинг энг ўзгал ва гаройиб мамлақати саналган Япония ўзининг аҳойиб одамлари билан ҳам машҳур. Бу юртда ҳамма нарсаси ўзига хос ва бетакрор. Япон маданияти ҳам дунёдаги энг бой саналади. Японлар ҳар бир нарсаси: таълим-тарбия, юриш-туриш, кийиниш, спорт ва ҳатто оқватлашга ҳам санъат дея ёндашадилар.

Япон таомномаси! Унга таъриф бериш осон эмас. Кўпчилик олимлар японларнинг узок умр кўриш сирини уларнинг таомномасидан қидириш керак деб ҳисоблайдилар. Айнан сифатли таомлар шарофатдан японлар энг узок умр кўрувчи халқ саналишади. Мамлакатда ўртача умр 80 йилга тенг. Бу жиҳатдан улар дунёда биринчи ўринда туришади.

Япон таомларининг асосий таркибини денгиз маҳсулотлари ташкил этади. Мамлакат қирғоқларини бирварақайига бир нечта денгиз ювиб тургани учун бу табиий ҳол, албатта. Ҳеч бир масаллик қайта ишланмасдан қозонга тушмайди.

Бундан ташқари, бу мамлакат одамлари ўта ҳушмуомала ва одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилишади. Улар интизомни биринчи ўринга қўйганлари сабаб, ҳаётларида ҳам тартиб ҳукмрон. Фарблик айрим олимлар ана шу батариблик ва табиат билан уйғунлик туйфайли японлар узок умр кўради деб ҳисоблайдилар. Японияда умумэтироф этилган ахлоқ қоидаларига жиддий муносабат шаклланган: мезёрдаги тақаллуф, суҳбатдошга ҳурмат, ширин сўз кимнинг ҳам умрини узайтирмайди дейсиз.

Ҳеч қачон кечикмаслик, кўполлик қилмаслик, ўзини жиддий тутга билиш... Япон ёшларига омад келтирувчи бу одатларни ўзлаштириш ҳаммага ҳам узок ва мазмунли умр бағишлагига шубҳа йўқ.

Оттава (Канада) ва Порто (Португалия) университетли олимлари эса омад таркибидидаги калориянинг чекланган миқдорда бўлиши умрини узайтиради деган фикрни билдиришмоқда. Одатдагидай, олимлар сиқонлар устида тажриба ўтказиб қўридилар. Анқиланишча, кам калорияли омад билан боқилган сиқонлар одатдаги омадлар билан боқилганларига қараганда ўртача 30 фоиз узокроқ яшаши мумкин экан. Кам калорияли омад организмнинг қаршиини секинлаштириш билан бирга касалликка берилувчанлигининг ҳам олдини олар экан. Бу албатта, олимларнинг дастлабки ҳулосаси, ҳолос.

Шахноза УМАРОВА, Юнусобод туманидаги 260-мактаб ўқувчиси

ОБИНА — 2004

Муртафрам муртафрийлар!

Мамлакатимизнинг узок-яқин, катта-кичик шаҳару қишлоқларида яшаётган азиз ҳамюртлар!

- Сизнинг ҳуқуқингиз қимлар томонидандир поймол қилинаётими?
- Сизга доимий қўмақчи, қонуний манфаатларингизни тиклашга ёрдам берадиган ҳақиқий дўст керакми?
- Залонавий дедектив асарлардан баҳраманд бўлишни истайсизми?

«Ниқуқ»имни билай, ҳаётим «Qonun himoyasida» бўлсин десангиз нашрларимизга обуна бўлинг!



Сиз ўқувчларга қулайлик яратиш ва ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида обуна нашрлари аввалгилар қолдирилди.

Индекслаб ўқилиши:

«Ниқуқ» аземаси учун — 231, 232

«Qonun himoyasida» журнали учун — 839, 840

ОБУНА БўЛИШГА ШОШИЛИНГ!

«TADQIQOT»

ҚИМТА НАМА ЧИДАМАЙДИ

- Чойхўрга чойнак чидмайди, Кўрга кўзойнак.
- Ошпазга ўчоқ чидмайди, Кассобга пичоқ.
- Ҳайдовчига аккумулятор чидмайди, Ҳисобчига калькулятор.
- Репортёрга диктофон чидмайди, Кўшиқчига микрофон.
- Бозорчига «сетка» чидмайди, Калга «кепка».
- «Иккичига» ўчирғич чидмайди, Чақалоққа сўрғич.

Ўтганларнинг охири табиат бўлсин!

- Андижон вилоят прокуратураси ҳаммаси вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи Қ.Урунвога отаси **ҲОШИМЖОН ҲОЖИ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.
- Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси Янгийўл туман прокурори Шўхрат Ариповга падари бузруквори **ТУЙҒУН** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таззия билдиради.

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuratori

Bosh muharrir:
Abdullolig ABDURAZZOQOV

Tahrir ha'y'ati:
Bahriddin VALIYEV, Azimjon ERGASHEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazetaning ro'yxatdan o'tish tartibi: N 023. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Buyurtma G — 771.15648 nusxada chop etildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbachi muharrir: H.NISHONOV
Navbachi: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxonada manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turen ko'chasi, 41.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 19.30 2345678